

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АХМЕДИЕВ ТОХИР МАХМУДОВИЧ

**СПИНАЛ ДИЗРАФИЯЛИ БОЛАЛАРДА ГИДРОЦЕФАЛИЯНИ
ХИРУРГИК ДАВОЛАШ**

14.00.28 – Нейрохирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертаци доктора философии (PhD)

Content of the abstract of dissertation doctor of philosophy (PhD)

Ахмедиев Тохир Махмудович

Спинал дизрафияли болаларда гидроцефалияни

хирургик даволаш..... 3

Ахмедиев Тохир Махмудович

Хирургическое лечение гидроцефалии у детей

со спинальными дизрафиями..... 21

Akhmediev Tokhir Makhmudovich

Surgical treatment of hydrocephalus in children

with spinal dysraphism..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АХМЕДИЕВ ТОХИР МАХМУДОВИЧ

**СПИНАЛ ДИЗРАФИЯЛИ БОЛАЛАРДА ГИДРОЦЕФАЛИЯНИ
ХИРУРГИК ДАВОЛАШ**

14.00.28 – Нейрохирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

КИРИШ ((PhD) фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Марказий асаб тизими (МАТ) нинг туғма нуқсонлари, хусусан спинал дизрафизм (СД) замонавий болалар нейрохирургиясининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади, ҳамда у турли клиник белгилар, асоратлар ва салбий оқибатлар билан тавсифланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...хар 10 мингта чақалоқдан 4-5 нафари ушбу туғма нуқсон билан туғилади»¹, ва бу касаллик одатда ифодаланган неврологик белгилар билан намоён бўлади. Бир қанча муаллифлар таъкидлашича, «...СД бошқа нуқсонлар, хусусан 35-75% ҳолатда гидроцефалия (ГЦ) билан кўшилиб келади»².

Бугунги кунда дунёда нейронавигация, микроскопик ассистенция, эндоскопия ва микрохирургия каби нейрохирургик технологиялар интенсив ривожланмоқда. СДли болаларда ГЦни даволашда вентрикулоперитонеал шунтлаш (ВПШ), эндоскопик вентрикулоцистерностомия, ташқи вентрикуляр дренажлаш, синус ва стернал шунтлаш, бош мия Сильвий сув йўлини стентлаш каби жаррохлик усуллари ишлаб чиқилган. Беморларнинг функционал ҳолатини сақлаган ҳолда вертебро-медулляр нуқсон жаррохлиги интраоперацион нейрофизиологик назорат остида миниинвазив даволаш усуллари кўллаш орқали такомиллаштирилган. Жаррохликдан олдинги даврда МСКТ, МРТ, ДТ-трактография каби нейровизуализацион ташхисот усуллари кенг фойдаланиш туғма нуқсоннинг морфо-анатомик тузилишини аниқлаш имконини беради. Узоқ йиллар мобайнида СДли болаларда учровчи ГЦ, айниқса гўдакларда жаррохликдан кейинги кўплаб асоратларнинг келиб чиқиши туфайли герниотомия ўтказишга қарши кўрсатма бўлиб ҳисобланар эди. Махсус клапанли шунтловчи тизимлар тадбиқ этилишигача яра ликвореяси, псевдоцеле, менингит ва менингоэнцефалит ривожланиш хавфи туфайли ГЦ СДли болаларда асосий ўлим сабаби бўлган. Ушбу ҳолат ташхисот, даволаш ва оқибат прогнозида мукамал ёндашувни ишлаб чиқишда ГЦ билан ёндош СДни чуқур ўрганишни тақозо этади.

Бизнинг давлатимизда МАТнинг туғма нуқсонларини скрининги, перинатал хизматни такомиллаштириш, мураккаб спинал мальформацияларни нейрохирургик даволаш орқали СДни эрта аниқлаш ва даволаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Беморларда ҳаракат вазифасини сақлаб қолиш, неврологик бузилишларни, хусусан тос аъзолари вазифасини тиклаш, асоратларни камайтириш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда. «...аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолига, шу жумладан болаларга сифатли тиббий хизмат кўламини

¹ WHO | Effects and safety of periconceptual oral folate supplementation for preventing birth defects. De-Regil L.M., Peña-Rosas J.P., Fernández-Gaxiola A.C., Rayco-Solon P. Cochrane Database of Systematic Reviews 2015, Issue 12. CD007950. https://www.who.int/elena/titles/review_summaries/folic-acid/en/

² McCarthy D.J., Sheinberg D.L., Luther E., McCrea H.J. Myelomeningocele-associated hydrocephalus: nationwide analysis and systematic review // Neurosurg Focus, 2019. – Vol. 1;47(4). – E5.

ошириш...»³ вазифалари белгиланган. Бу борада МАТнинг туғма ривожланиш нуқсонлари бўлган болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, комплекс ташхислаш, хирургик даволаш усулларини такомиллаштириш ёрдамида даволаш натижаларини яхшилаш, асоратларни ва ногиронликни камайтириш ҳамда болалар саломатлигини мустахкамлаш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ 3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 25 декабрдаги ПҚ 3440-сон «2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги ва 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ 4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. СД, айниқса бир ёшгача бўлган болаларда, аксарият ҳолларда ликвор айланишининг бузилиши билан биргаликда учрайди, натижада ГЦ юзага келади, бу эса касалликнинг оғирлашишига сабаб бўлади. Ликвор тутиб турувчи бўшлиқлар хажмининг кенгайиши таҳлилини ҳисобга олмасдан анъанавий тарзда бажариладиган орқа мия чуррасини (ОМЧ) олиб ташлаш жаррохлик амалиётидан кейинги даврда ликвор динамикасини бузилишига олиб келади ва 60% ҳолларда ГЦни кучайишига, ликвор оқма яраси, ликворея пайдо бўлишига, калла суяги чокларининг ажралишига ва яллиғланиш асоратларининг қўшилишига олиб келади (Мартиросян М.М. ва бошқ., 2017; Elshani B., Lenjani B., 2013; Warf B.C., 2011). ГЦ билан кечувчи туғма СДни даволаш катта қийинчилик туғдиради, одатда уни даволаш яқка нуқсонлардаги каби жаррохлик амалиётини ўзи билан чекланиб қолмайди. Бундай ҳолларда жаррохлик тактикаси нафақат чурра дарвозаси пластикасини, балки ёндош ГЦ ни ҳам даволашни талаб этади (Плавский П.Н. ва бошқ., 2015; Шабля В.В. ва бошқ., 2015; Chern J.J. ва бошқ., 2012; Tamburrini G. ва бошқ., 2013). Қатор ҳолларда нейровизуализация усулларининг юқори диагностик имкониятлари билан тасдиқланмаган ҳолда фақатгина ГЦнинг ташқи белгилари асосида клапанли

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ 4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги Қарори.

шунтлаш тизимларини анъанавий ўрнатиш ликвороциркуляция бузилишини тўғрилашда етарли бўлмайди, ҳамда қайта шунт тизими ревизияси ва жаррохлик амалиётларини талаб этувчи жиддий асоратлар келиб чиқишига сабаб бўлади (Хачатрян В.А. ва бошқ., 2013; Al-Nakim S. ва бошқ., 2018; Machado H.R., de Oliveira R.S., 2004).

Жаррохлик даволаш тактикаси борасида муаллифлар фикрлари бирмунча тарқоқ. Ушбу муаммони ҳал этиш бўйича турли хил ёндашишлар таклиф этилган, айнан: МАТ ривожланишининг бундай нуқсонларида ликвор шунтлаш жаррохлик амалиётини (ЛШЖА) қўллаш, ОМЧни олиб ташлаш ва умуртқа поғонаси канали орқа девори суяк дефектини пластикасини бажариш, босқичма-босқич ОМЧни ЛШЖАдан аввал ёки кейин олиб ташлаш, кўрсатилган усулларни бир вақтнинг ўзида қўллаш (Ахмедиев М.М. ва бошқ., 2010; Усманханов О.А., 2018; Чориев Ш.Б., Бердиев Р.Н., 2014). Замонавий техник таъминотга ва жаррохлик техникасининг яхшиланишига қарамадан, СД ва ёндош ГЦ бўлган бемор болаларни даволашнинг узок натижалари қониқарсиз қолмоқда. Муаммоли саволлардан яна бири - бу МАТ ривожланиш нуқсонлари мавжуд болаларни кейинчалик ижтимоий адаптацияси ва уларнинг реабилитациясидир (Маджидова Е.Н., Эргашева Н.Н., 2013; Шодиев А.Ш. ва бошқ., 2015).

Ташхисот усулларининг чегараланганлиги ва комплекс даволашнинг мураккаблиги СД ва ёндош ГЦли бемор болаларни янада самарали даволаш ва ташхисот усулларини яратиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигидан далолат беради (Орлов Ю.А. ва бошқ., 2013; Kim I. ва бошқ., 2018; North T. ва бошқ., 2018). Ушбу гуруҳ беморларида ГЦни даволаш натижалари, жаррохлик амалиётининг кетма-кетлиги, даволашни адекват режалаштириш, даволаш натижаларининг башорати тўғрисидаги маълумотлар каноатлантормайди ва улар бир-бирига зид (Иванов В.С. ва бошқ., 2007; Preis K. ва бошқ., 2005; Sahmat A. ва бошқ., 2017). СД ва ёндош ГЦли беморларни даволашда жаррохлик амалиёти кетма-кетлигини аниқлаш, клиник белгиларни объектив баҳолаш усулини ишлаб чиқиш, асоратларни пасайтиришга ва беморларнинг эрта реабилитациясига киришишга йўналтирилган усулларни такомиллаштириш зарурлиги ушбу муаммонинг ҳозирги вақтгача долзарблигини белгилайди (Кузнецова Т.В., 2008; Талабаев М.В., 2015; McCarthy D.J. ва бошқ., 2019; Yorulmaz S.A., Konak M., 2019).

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий текшириш муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-текшириш ишлари режасига мувофиқ 2015-2017 йилларда АДСС 15.8.2 «Болаларда краниоцервикал йўлакнинг остеоневрал ривожланиш нуқсонларини ва болалар церебрал фалажини нейрохирургик даволаш» ва 2018-2020 йилларда ПЗ-20170927456 «Болаларда орқа мия ва умуртқа поғонаси мальформацияларини ташхислаш ва нейрохирургик даволаш усулларини такомиллаштириш» грант ишлари доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади спинал дизрафия ва ёндош гидроцефалияли бемор болаларни даволаш натижаларини ташхисотни ва асосланган босқичли даволашни такомиллаштириш орқали яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилар:

СД ГЦ билан учраганда уларнинг клиник белгиларини нейровизуализация усуллари ва кўп омилли таҳлил ёрдамида аниқлаштирилган индивидуал нуқсон анатомиясини ҳисобга олган ҳолда ажратиш ва тартибга солиш;

СДли бемор болаларни ГЦнинг ифодаланганлик даражаси ва ривожланиш темпига, чурра қопини ўраб турган тўқималарини ёрилиш хавфига ва ликвореяга боғлиқ ҳолда босқичли даволаш натижаларини ўрганиш;

ГЦни объектив баҳолаш ва СДни асосланган босқичли жаррохлик амалиёти учун дастур комплексини ишлаб чиқиш;

таклиф этилган даволаш-ташхисот тадбирлар комплекси асосида СД ва ёндош ГЦли бемор болаларни босқичли даволаш бўйича оптимал клиник тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2004-2019 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида СД ва ёндош ГЦ билан даволанган 97 нафар бемор боланинг 171 клиник ҳодисаси олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида СД ва ёндош ГЦли бемор болаларнинг комплекс клиник-неврологик ва нейровизуализацион статусини баҳолаш маълумотлари олинди.

Тадқиқот усуллари. Изланишда умумклиник, клиник-неврологик, нур ташхисоти (ультратовуш, компьютер-томографик, магнит-резонанс), ташхисотнинг нейрофизиологик усуллари, ликворологик ва ликвородинамик текширишлар қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

ривожланиш механизмларининг таҳлили, клиник ва нейровизуализацион белгиларнинг систематизацияси асосида гидроцефалияни зўрайиши, ликворея ва чурра қопини ўраб турган тўқималарини ёрилиш хавфини ҳисобга олган ҳолда спинал дизрафизмни жаррохлик даволаш босқичлари асослаб берилган;

калла ичи асоратлари ва дисфункциялар ривожидида ликворшунтлаш тизимлари параметрларининг аҳамияти, шу жумладан уни ҳисобга олмаслик натижасида шунт ревизияси амалиётини бажариш ва чурра қопини ўраб турган тўқималарни нейротрофик ўзгаришлари эҳтимоли ортиши исботланган;

спинал дизрафизмли бемор болаларда гидроцефалия даражаси ва динамикасини баҳолашда ҳамда даволаш сифатини назоратида таклиф этилган нейровизуализацион краниовентрикуляр тавсифларнинг аҳамияти исботланган;

биринчи марта спинал дизрафизм ва ёндош гидроцефалия клиник кўринишларининг интеллектуал таҳлили технологиялари қўлланилган, улар ёрдамида ҳамда белгиланган ахборотбардор мезонлар асосида ташхисот,

асосланган даволаш усули ва натижаларни башоратлаш дастур комплекслари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

СД ва ёндош ГЦли бемор болалар ташхисоти бош ва орқа мия тузилишини кўрсатувчи нейровизуализация ахборотбардор усуллари комплексини ўз ичига олиши керак, бу эса нуқсоннинг клиник таркибий қисмини, уларнинг қўшилиб келишини ифодалаш имконини бериб, даволашнинг босқичини ва унинг кетма-кетлигини асослаб берган;

СД билан қўшилиб келган ГЦда жаррохлик амалиёти даволаш босқичини, ГЦ ривожланиш темпини ва цереброспинал суюқлик (ЦСС) таркиби, топографик жойлашиши, ҳамда чурра қопини ўраб турган тўқималарни нейротрофик ўзгаришлари, ликворея хавфини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши кераклиги очиб берилган;

краниоентрикуляр ўзаро боғланишларни ҳисоблаш СДли болаларда жаррохлик амалиётигача ва ундан кейин ГЦни намоён бўлиш даражасини баҳолаш имконини беради, ГЦ динамикасини объективизациясига ва олинган натижаларни ишончли чиқишига ёрдам бериши очиб берилган.

Олинган натижаларнинг ишонарлилиги объектив клиник, неврологик, ташхисот (нейросонография, мультислайс компьютер томография, магнит-резонанс томография), ликворологик ва ликвородинамик текширишлар маълумотларига ва уларнинг статистик таҳлилига асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти СД ГЦ билан бирга учраганда бемор болаларда нуқсоннинг жойлашган худуди, унинг шакли, ўлчамлари, орқа мия ва умуртқа поғонаси структураларига муносабати, ликвор бўшлиқларининг кенгайиш даражасини ҳисобга олиб таклиф этилган оптимал ташхисот комплекси, шунингдек СД ГЦ билан бирга учраган ҳолатлар учун ишчи тасниф таклиф этилиши, бу эса нуқсонни клиник ва локал ташкил этувчиларини тартибга солиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти СД ва ёндош ГЦли бемор болаларда ГЦ даражаси ва краниоспинал комплайнсни аниқлаш учун таламо-окципитал дистанциянинг (ТОД) ҳамда интеграл индекснинг ташхисоти, шунингдек СД ва ёндош ГЦли бемор болаларда клиник тавсиялар, ташхисот опциялари ва нейрожаррохлик даволаш амалиёти такомиллаштирилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. СД ва ёндош ГЦли бемор болаларни жаррохлик даволаш оптимизацияси бўйича бажарилган илмий ишнинг натижалари асосида:

«Спинал дизрафия ва гидроцефалияли болаларни ташхислаш ва даволашда компьютер дастурлари» услубий тавсияномалари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 8 н-д/329 27 декабрь 2019 йилдаги ҳулосаси). Олинган натижалар СД ва ёндош ГЦли бемор болаларда асосланган даволаш тактикаси ва унинг кетма-кетлигини танлаш ҳамда чурра қопи нейротрофик бузилишлари каби асоратлар хавфини ишонарли пасайишига

эришиш имконини берган;

герниотомия жаррохлик амалиётини бажариш учун «Яра кенгайтиргич» тасдиқланган (Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали модельга патенти, № FAP 01338). Олинган натижалар операция майдонида юмшоқ тўқималар травматизацияси ва жаррохлик майдонини камайтириш имконини яратиб, яра соҳасидаги ликворея ва псевдоцелени 4,7 марта камайишига эришишни таъминлаган;

СД ва ёндош ГЦли бемор болаларни ташхислаш ва даволаш бўйича бажарилган илмий ишнинг натижалари Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Сурхондарё ва Хоразм вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 8 н-д/329 27 декабрь 2019 йилдаги хулосаси). ГЦли СД мавжуд бемор болаларда аниқланган ташхисот мезонларини ҳисобга олиб бажарилган комплекс ташхисот ва дифференцирланган даволаш, даволашнинг нохуш натижаларини 2,7 мартага камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг тавсия этилган илмий нашрларида 5 та илмий мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация матни 109 бетда ёритилган бўлиб, у кириш, 5 та боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар, қўлланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, изланишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети изоҳлаб берилган, изланишнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг муҳим йўналишларига мос келиши, изланишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, текшириш натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш ва диссертация таркиби ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Спинал дизрафия гидроцефалия билан қўшилиб келганда замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда СД ГЦ билан бирга учраш муаммосининг клиник ва тиббий-ижтимоий аҳамияти, ташхисот, нейровизуализация усулларини қўллаш, босқичли жаррохлик амалиёти ва даволаш натижаларини башоратлаш муаммоларининг замонавий ҳолати масалалари акс этирилган. Мунозарага оид ўрганиб чиқилиши керак

бўлган ва ҳал этилмаган муаммолар кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Материалнинг клиник тавсифи ва фойдаланилган текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текшириш объектининг тавсифи ва қўйилган масалаларнинг ечимини таъминловчи усуллар берилган. Ишда 2004-2019 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида СД ва ёндош ГЦ мавжуд бўлган ҳамда босқичли даволанган 97 нафар бемор боланинг 171 клиник ҳодисаси натижалари таҳлил қилинди.

Беморлар 2 гуруҳга ажратилди: назорат гуруҳига СД ва ёндош ГЦли 41 бола киритилди, уларга стандарт текшириш ўтказилди, ликворологик ва ликвородинамик натижаларни ҳамда босқичли даволашни кўзда тутмаган умумқабул қилинган даволаш қўлланилди. Асосий гуруҳга СД ва ёндош ГЦли 56 бола киритилди, уларга ликворологик ва ликвородинамик ўзгаришларни, ЦСС таркибини, шунтлаш тизимининг асосланган параметрини танлашни ҳисобга олган босқичли жарроҳлик амалиёти қўлланилди.

Кузатувларимизнинг энг кўпини кўкрак ёшидаги болалар ташкил қилди (n=81; 83,5%); қизларда (n=59) касаллик ўғил болаларга (n=38) қараганда бир мунча кўп учради. Гуруҳлар орасида жинси ва ёшига кўра фарқ статистик ишонарли бўлмади.

СД болаларда турли-туман анатомик шакллар ва клиник кўринишлар билан тавсифланади. Махсус адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатдики, муаммони узоқ вақт ўрганилишига қарамасдан, шу пайтгача СД ГЦ билан бирга келгандаги таснифи йўқ экан. Натижада СД ГЦ билан бирга учраганда унинг у ёки бу шаклини талқин қилишга ягона ёндашишлар мавжуд эмас, бу эса ташхисот ва даволаш натижаларида, ҳамда башоратлашда намоён бўлмоқда. Фикримизга кўра, СД билан ГЦ бирга учраганда клиник ташхис куйидагиларни ўз ичига олиши керак: 1) нозологияни (ХКТ-10); 2) таркибий ўзгаришлар (ўзгаришларнинг характери, локализацияси ва ифодаланганлиги); 3) функционал ўзгаришлар (асосий клиник синдромлар); 4) касалликнинг кечилти типлари; 5) клиник компенсация ҳолати. Таклиф этган ишчи таснифимиз болаларда СД билан ГЦ бирга учраганда кўринишларни тартибга солиш, ҳамда клиник материални баён қилишда қулайликлар туғдиради ва изланиш натижаларини унификация қилиш имконини беради.

Олинган натижаларни ишлаб чиқиш вариацион қатор ва унинг интенсив кўрсаткичлари Стьюдент критерийси ва χ^2 статистик таҳлилининг умум қабул қилинган усули ёрдамида бажарилди. Корреляцион боғланишлар Пирсон корреляция коэффицентини ҳисоблаш ёрдамида баҳоланди. Барча ҳисоблар MS Excel электрон жадвалларида ичига ўрнатилган статистик таҳлил функциялари ёрдамида бажарилди.

Диссертациянинг «**Спинал дизрафия ва гидроцефалияли болаларнинг клиник характеристикаси**» деб номланган учинчи бобида касалликнинг клиник-неврологик ва невровизуализацион кўринишлари ва уларнинг таҳлил натижалари келтирилган.

Клиник-неврологик статусда мусбат Грефе симптоми (ботаётган қуёш


симптоми) 32 нафар (33,0%) беморда, яқинлашувчи ғилайлик 16 нафар (16,5%) беморда; стридор 4 нафар (4,1%) беморда кузатилди, бу йўлдош Киари аномалиясининг 2-типи мавжудлиги билан изоҳланади, у ЛШЖА бажарилгандан кейин камайди (n=3); уйқунинг бузилиши – 19 нафар (19,6%) беморда; психомотор ривожланишнинг ортда қолиши – 13 нафар (13,4%) беморда; эпилептик тутқаноқлар (пароксизмал синдром) – 6 нафар (6,2%) беморда кузатилди. Бош айланаси – краниометрия бир ойлик болада 32 см дан 2 ёш болада 54 см гачани ташкил қилди.

Нуксоннинг энг оғир кўринишлари СД жойлашган жойдан пастдаги парезлар ва параличлар, сийдик ва нажасни тутиб туrolмасликдир. СД жойлашган жойдан пастдаги парезлар 88 нафар (90,7%) беморда, оёқларда гипо- ва анестезия 73 нафар (75,3%) беморда, тос органлари бузилишлари 68 нафар (70,1%) беморда, маймоқлик 27 нафар (27,8%) беморда, терининг трофик ўзгаришлари 4 нафар (4,1%) беморда, дизэмбриогенезнинг локал стигмалари (пигментация, гипертрихоз, дермал синус) 23 нафар (23,7%) беморда аниқланди.

Менингоцеле билан беморлар 11 нафарни (11,3%), менингорацикулоцеле – 27 нафарни (27,8%), менингомиелорацикулоцеле – 59 нафарни (60,9%) ташкил қилди. Чурра қопининг энг кичик ўлчамлари (10 см³ гача) 23,7%, ўрта ўлчамлари (10-30 см³) 38,1%, катта ўлчамлари (30-60 см³) 15,5% ва чурра қопининг гигант ўлчамлари 22,7% беморларда аниқланди. Барча ёш гуруҳларда чурра қопининг ўрта ўлчамлари кўп учради (n=37; 38,1%) (p<0,05). 16 нафар (16,5%) беморда чурра қопини қоплаган тўқималарининг юпқалашиши ва унинг ёрилиш хавфи кузатилди, 11 нафар (11,3%) беморда чурра қопидан ликворея кузатилди, 70 нафар (72,1%) беморда шакланган чурра қопини тўқималари аниқланди.

Биз ГЦни ифодаланганлик даражаси ва чурра қопи хажми орасида корреляцион таҳлилни ўргандик. ГЦни ифодаланганлик даражаси кўрсаткичлари – бу таламо-окципитал дистанция (ТОД), краниометрия (КМ) ва Эванс индекси (ЭИ). Бунда ГЦни ифодаланганлик даражаси билан чурра қопи хажми орасида корреляцион боғланиш аниқланмади (ТОД r= -0,045; КМ r=0,006; ЭИ r=0,005).

Диссертациянинг «**Нейровизуализациянинг компьютер усуллари ва туғма орқа мия чурраларининг клиник таҳлили**» деб номланган тўртинчи бобида биз ишлаб чиққан компьютер дастурлари ҳақида маълумотлар берилган. ГЦни объектив баҳолаш мақсадида таламо-окципитал дистанцияни кўлладик, у МРТ ва КТ граммаларда сагиттал проекцияларда таламус ва ён қоринчанинг орқа шохи орқа девори орасидаги максимал масофани ўлчаш орқали ҳисобланади. Бунда 3,0-3,7 см ли кўрсаткич ГЦнинг энгил даражасига, 3,71-4,4 см ўрта даражасига, 4,41 см дан ортиқ оғир даражасига тўғри келади. Ён қоринчалар ассиметрик бўлганда, иккала томон ТОД йиғиндиси олиниб, у иккига бўлинади. Бу усул СДли болаларда ГЦнинг ифодаланганлик даражасини юқори даражадаги аниқлик билан ташхислаш имконини беради (1,2,3-расмлар).



1-расм. Таламо-окципитал дистанцияни ўлчаш
(Т-таламус, ОШ-орқа шох)



2-расм. Бемор А., 3 ойлик, к/т №3626/708. Жаррохлик амалиётигача МРТда гидроцефалиянинг оғир даражаси аниқланган (ТОД = 4,8 см)




3-расм. ЛШЖАдан 3 ой ўтгач МРТ назоратида ГЦнинг тўлиқ регресси ташхисланган, калла ичи алоқалари меъёрлашган (ТОД = 3,1 см)

СДли бемор болаларда ГЦни ташхислашда бош мия МРТ/МСКТ маълумотлари бўйича қўлланилган таламо-окципитал дистанция кўрсаткичлари ишонарлилигини верификацияси учун биз шунингдек Эванс индексини ва краниометрияни ўлчадик. Биз ЭИ, ТОД, КМ олинган маълумотларини корреляцион таҳлилинни ўргандик. ТОД ни ЭИ ва КМ билан корреляцион боғланишини текширганда, ЭИ билан кучли тўғри корреляцион боғланишни ($r = 0,763$; $p < 0,001$) ва КМ билан қониқарли тўғри боғланишни ($r = 0,488$; $p < 0,01$) аниқладик. ТОДнинг сезувчанлиги 96%, мослиги 93% ни ташкил этди.

Вентрикуляр нисбатлар асосида, уларни чурра қопи хажм кўрсаткичлари билан йиғиндисини қўллаб, биз интеграл индексни ҳисоблаш усулини ишлаб

чиқдик, бунда ЛШЖА ёки герниотомия бажарилиш қарори асослаб берилади. Ушбу алгоритмни компьютер дастур кўринишида расмийлаштирдик: «Орқа мия чурралари ва гидроцефалияли бемор болаларда интеграл индекси ва даволаш тактикасини аниқлаш дастури» (ЭХМ учун дастур, Интеллектуал мулк агентлигининг № DGU 06059 гувоҳномаси).

Шунтлаш тизими параметрлари «Орқа мия чурралари ва гидроцефалия мавжуд болаларда ликворни ўтказиш хусусияти бўйича шунтлаш тизимини танлаш учун дастур» компьютер дастури асосида танланди (ЭХМ учун дастур, Интеллектуал мулк агентлигининг № DGU 07328 гувоҳномаси), бунда бош мия қоринчалар тизими деформациясининг критик нуқтаси ҳисобланади. Бунинг асосида имплантация қилинадиган шунтлаш тизимининг параметрлари танланади. Ушбу усул гипо- ёки гипердренаж ҳолатлар кўринишидаги жаррохлик амалиётидан кейинги асоратлар хавфини камайтириш имконини беради (4-расм).



4-расм. Шунтлаш тизими параметрларини танлаш

Диссертациянинг «Спинал дизрафия ва гидроцефалияли бемор болаларни жаррохлик амалиёти билан даволашни такомиллаштириш ва даволаш натижаларини башоратлаш» деб номланган бешинчи бобида жаррохлик амалиёти билан даволаш натижалари ва маълумотлар интеллектуал таҳлили асосида башоратлаш мезонлари келтирилган.

Гипертензион-гидроцефал симптоматика устун бўлганда, герниотомия жаррохлик амалиётидан кейин ликвореяни олдини олиш, чурра қопини қоплайдиган тўқималарни ўсишига шароит яратиш ва унинг ёрилиш хавфини тўхтатиш мақсадида асосий гуруҳда 51 нафар (91,1%), назорат гуруҳида 29 нафар (70,7%) беморга 1 босқичда ЛШЖА бажарилди. Назорат гуруҳидаги 4

нафар (9,7%) беморга ва асосий гуруҳдаги 5 нафар (8,9%) беморга ЛШЖА иккинчи босқичда бажарилди, чунки уларда иккиламчи ГЦ ривожланди, бош прогрессив катталашди ва герниотомия соҳасида псевдоцеле пайдо бўлди. Назорат гуруҳидаги 8 нафар беморга ёндош ГЦни хисобга олмасдан герниотомия амалиёти бажарилган. Қайта жаррохлик амалиёти (шунт тизими ревизияси) назорат гуруҳида 10 беморда (24,4%), асосий гуруҳда эса 5 нафар (8,9%) беморда бажарилди (1-жадвал).

1-жадвал

Текширилаётган гуруҳларда жаррохлик амалиётининг босқичлари

Гуруҳлар	Жаррохлик амалиётининг босқичлари			
	1-босқич ЛШЖА, 2-босқич герниотомия	1-босқич герниотомия, 2-босқич ЛШЖА	Герниотомия шунтлашсиз	Қайта жаррохлик амалиёти сони
Назорат (n=41)	29 (21)	4	8	10 (24,4%)
Асосий (n=56)	51 (46)	5	-	5 (8,9%)

Асосий гуруҳдаги беморларда гипертензион-гидроцефал синдромнинг ифодаланганлигига кўра, ҳамда «Орқа мия чурралари ва гидроцефалия мавжуд болаларда ликворни ўтказиш хусусияти бўйича шунтлаш тизимини танлаш учун дастур» компьютер дастури асосида танланган турли босимга эга шунтлаш тизимлари қўлланилди (ЭХМ учун дастур, Интеллектуал мулк агентлигининг № DGU 07328 гувоҳномаси). Назорат гуруҳида эмпирик тарзда 65,5% ҳолатда паст босим клапанли шунт тизими ўрнатилган, асосий гуруҳда эса компьютер дастури ва индивидуал шунт танлаш усули ёрдамида каттароқ босимли шунт тизимлари танланиб, паст босимли шунт тизимлари ўрнатилган беморлар сони камайди (n=28; 54,9%) (2-жадвал).

2-жадвал

Ликвор босими коррекцияси даражасига кўра беморларнинг тақсимланиши

Босим*	Назорат гуруҳи		Асосий гуруҳ		Жами
	1-босқич	2- босқич	1- босқич	2- босқич	
Юқори	-	-	4 (7,8%)	1 (20%)	5 (5,6%)
Ўрта	7 (24,1%)	4 (100%)	19 (37,3%)	2 (40%)	32 (35,9%)
Паст	19 (65,5%)	-	28 (54,9%)	2 (40%)	49 (55,1%)
Жуда паст	3 (10,3%)	-	-	-	3 (3,4%)
Ҳаммаси	29	4	51	5	89 (100%)
χ^2 ($\alpha = 0,05$)	1 босқич: 90.8	2 босқич: 10	Бир хил бўлмаган $F \neq G$		

Изоҳ: * Ликворшунтлаш тизимлари клапаннинг фиксацияланган параметрлари билан

Асосий гуруҳда (n=56) гипертензион-гидроцефал синдром регрессига, чурра қопи таранглигини пасайишига 92,8% ҳолларда эришилди, гидроцефалия динамикасининг ёмонлашиши 1,8% ҳолатда кузатилди. Назорат гуруҳида эса (n=41) гипертензион-гидроцефал синдром регрессига, чурра қопи таранглигини пасайишига 72,7% ҳолатда эришилди, гидроцефалия динамикасининг ёмонлашиши 9,1% ҳолатда кузатилди ($p < 0,05$) (3-жадвал).

3-жадвал

ЛШЖАдан кейин гидроцефалия клиник кўринишларининг динамикаси


Натижа	Гуруҳлар		$\chi^2_{0,05} = 13,4$
	Асосий	Назорат	Жами
Яхшиланиш	52 (92,8%)	24 (72,7%)	76 (85,4%)
Ўзгаришсиз	3 (5,4%)	6 (18,2%)	9 (10,1%)
Ёмонлашиш	1 (1,8%)	3 (9,1%)	4 (4,5%)
Жами	56 (57,7%) (100%)	33 (42,3%) (100%)	89 (100%)

Назорат гуруҳида ликворшунтловчи жаррохлик амалиётидан кейин мия қобиғининг кескин ингичкалашиши 4 нафар бемордан 2 нафарида сақланди, асосий гуруҳда эса жаррохлик амалиётининг 1 босқичи ликворшунтловчи амалиётдан кейин мия қобиғининг кескин ингичкалашиши бўлган беморлар кузатилмади. Бу эса ўз навбатида гидроцефалияни қониқарли компенсациясига эришилганлиги тўғрисида объектив белги бўлиб ҳисобланади (5-расм).




5-расм. Даволаш бочқичларида мия қобиғи қалинлигининг ортиш динамикаси

6-расмда кўрсатилгандек, шунт дисфункцияси ёки герниотомия соҳасида псевдоцеле сабабли бажарилган қайта жаррохлик амалиётлари сони асосий гуруҳда 5 нафар (8,9%) беморда, назорат гуруҳида 10 нафар (24,4%) беморда кузатилди ($\chi^2_{0,05;2} = 5,99, p < 0,05$).



6-расм. Текширилаётган гуруҳларда ликвор шунтлаш жаррохлик амалиётидан кейин асоратларнинг солиштирма нисбати


7-расмда ГЦли ОМЧларини жаррохлик даволаш асоратларининг нисбати келтирилган.



7-расм. ОМЧ билан ГЦни жаррохлик даволаш асоратларини таққослама тавсифи

Асосий гуруҳда даволаш-ташхисот тадбирларини такомиллаштириш ёрдамида ГЦли СД мавжуд беморларни босқичли даволагандан кейинги йирингли-яллиғланиш асоратлари 3,3 мартага камайди ($p < 0,05$).

Янги билимларни аниқлаш мақсадида маълумотлар интеллектуал таҳлили (МИТ) усулларини қўллаш учун икки синф вакилларида «объект–хусусият» жадвалини шакллантириш таклиф этилди. Синф объектлари бири-бирига зидликни ифодалайди. Бизнинг мисолимизда жадвалда бемор белгилари миқдор бўйича ёритилади, статистик усуллардан фойдаланиб ҳисобланган краниал ва спинал белгиларнинг таъсири қонуниятлари аниқланади. Биз МИТ учун классификацияни “математик тажриба” кўринишида бердик, бунда 32 та турли хил (сифатий ва миқдорий) кўрсаткичлардан фойдаланилди, улардан 30 таси клиник, 2 таси паспорт кўрсаткичларидир. Математик тажрибанинг моҳияти танлашда турли классификациялар ҳамда ГЦли СД мавжуд бемор болаларга тегишли МИТ таълими натижалари турли интерпретацияларда берилади. Хар бир сифатий кўрсаткичлар (белгилар) оғирлиги унинг градацияларини ҳам ички, ҳам синфлар орасида комбинатор қўшиб ҳисоблаш йўли орқали ҳисобланди, бунда унинг миқдори $[0,1]$ интервалида ифодаланди. Миқдорий кўрсаткичларни ҳисоблашда оригинал компьютер дастурларидан фойдаланилди, бу дастурлар илк маротаба Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети параллел ҳисоблаш компьютер технологиялари кафедрасида ишлаб чиқилган, МИТ кўринишида амалга оширилган. МИТ қўллашнинг аҳамияти шундаки, у динамикада бемор ҳолатидаги озгина ўзгаришларни ҳам баҳолаш имконини беради.



8-расм. Герниотомиядан кейин иккиламчи ГЦ ривожланишига таъсир кўрсатувчи белгилар

Биз герниотомиядан кейин иккиламчи ГЦ ривожланишида энг ахборотбардор белгиларни аниқладик, бунда қуйидаги кўрсаткичлар

аниқланди: бирламчи вентрикуломегалиянинг мавжудлиги – 0,88, чурра қопининг катта ўлчамлари – 0,76, анамнезида ликворея – 0,7, Киари нуқсони – 0,65 (8-расм).

Маълумотлар таҳлилининг якуни ГЦли СД мавжуд бемор болаларда даволаш натижаларини башоратлашга таъсир кўрсатувчи ташхис мезонлари гуруҳларини аниқлаш бўлди. Энг юқори башорат қийматини (0,91) чурра қопининг ёрилиш хавфи, ГЦни ривожланиш белгилари ташкил этди (4-жадвал).

4-жадвал

Болаларда СД ГЦ билан учраганда уларни даволаш натижалари башоратига таъсир кўрсатувчи ташхис мезонлари

№	Белги номи	Белги қиймати
1.	Чурра қопининг ёрилиш хавфи, ГЦни ривожланиш белгилари	0,91
2.	Шунтлаш тизимининг дисфункция белгилари	0,78
3.	ЦСС характеристикаси	0,71
4.	Преморбид фон ва соматик ҳолат	0,67
5.	Киари 2 тип нуқсони белгилари	0,64
6.	ГЦ ва СДнинг нейровизуализацион характеристикаси	0,62

ГЦли СД мавжуд бемор болаларда аниқланган ташхисот мезонларини ҳисобга олиб бажарилган комплекс ташхисот ва дифференцирланган даволаш, даволашнинг нохуш натижаларини 2,7 мартага камайтириш имконини берди.

ХУЛОСАЛАР

1. СДнинг клиник кўриниши жуда кенг клиник-неврологик белгилар билан ифодаланди, ГЦ 68,3% ҳолларда бел-думғаза соҳаси СД билан бирга учради, бунда менингомиелорадикулоцеле кўпроқ кузатилди (n=59, 60,9%); ГЦ ифодаланганлик даражаси билан чурра қопи хажми орасида корреляцион боғланиш аниқланмади (ТОД $r = -0,045$; КМ $r = 0,006$; ЭИ $r = 0,005$).

2. СДли бемор болаларда анъанавий ГЦга хос бўлган краниомегалия 71 нафар (73,2%) беморда аниқланди ($\chi^2 = 5,99$; $p < 0,05$), бу ҳолат босқичли даволашни асослаган ҳолда гипертензион-гидроцефал синдромининг клиник намоён бўлишида ликворшунтловчи амалиётларни бажаришни тақозо этади.

3. Таклиф этилган нейроташхислашнинг комплекс тизими ва босқичли жаррохлик амалиёти 92,8% ҳолларда чурра қопи ёрилиш хавфини олдини олиш ва орқа мия чурраси герниотомиясини сезиларли ГЦ регрессидан ва чурра қопини қоплаган тўқималарнинг ҳолати яхшилангандан кейин қулай шароитда бажариш, ҳамда асосий гуруҳда шунт ревизиясини 8,9% гача камайтириш имконини берди (назорат гуруҳида 24,4%).

4. Таламо-окципитал дистанция СДли болаларда ГЦни ташхислашда юқори сезувчанлик (96%) ва мосликка (93%) эга: таклиф этилган ГЦ ифодаланганлик даражаси таснифини кўллаш, унинг босқичини бир морфометрик ўлчов билан ифодалаш имконини беради ва у болаларда калла ичи гипертензиясини бошқа объектив кўрсаткичлари билан ишонарли корреляция қилади (КМ $r = 0,488$; $p < 0,01$; вентрикуломегалия: ЭИ $r = 0,763$; $p < 0,001$).

5. Математик моделлаш маълумотларининг таҳлили СДни даволаш натижаларини башоратлашга таъсир қилувчи ташхис мезонлари гуруҳларини аниқлади, бунда энг юқори ташхис қиймати (0,91) ГЦ ривожланиши ва чурра қопи ёрилиш хавфи белгиларига тўғри келди, жумладан ижобий клиник натижага эришиш учун жаррохлик амалиёти кетма-кетлигини белгилашда ушбу кўрсаткичларни эътиборга олиш муҳим ҳисобланади.

6. СД ва ёндош ГЦли бемор болаларни даволашда таклиф этилган даволаш-ташхис тадбирлари нейровизуализация маълумотларини, ликворологик ва ликвородинамик текширишларни, ҳамда чурра қопини қоплаган тўқималарнинг ҳолатини ва доминант патологияни ҳисобга олган тарзда жаррохлик амалиётини бажариш кетма-кетлигини асослаш имконини беради, буларнинг барчаси бизнинг кузатувларимизда даволашнинг ноҳуш оқибатларини 2,7 мартага камайишига олиб келди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ
ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР НЕЙРОХИРУРГИИ**

АХМЕДИЕВ ТОХИР МАХМУДОВИЧ

**ХИРУРГИЧЕСКОЕ ЛЕЧЕНИЕ ГИДРОЦЕФАЛИИ У ДЕТЕЙ
СО СПИНАЛЬНЫМИ ДИЗРАФИЯМИ**

14.00.28 – Нейрохирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одной из актуальных проблем детской нейрохирургии являются врожденные аномалии развития центральной нервной системы (ЦНС), в частности спинальные дизрафии (СД), характеризующиеся разнообразием клинических проявлений, осложнений и неблагоприятных исходов. По данным ВОЗ, «в среднем 4-5 детей из 10 тыс. новорожденных появляются на свет с этой врожденной патологией»¹, которая, как правило, сопровождается выраженными неврологическими дисфункциями. По данным ряда авторов показано, что СД сочетаются и с другими пороками, «сопровождаясь сопутствующей гидроцефалией (ГЦ) в 35-75% случаев»².

На сегодняшний день в мире нейрохирургические технологии развиваются интенсивно с применением нейронавигации, микроскопической ассистенции, эндоскопии и микрохирургии. Разработаны ряд методов лечения ГЦ у детей со СД: вентрикулоперитонеальное шунтирование (ВПШ), эндоскопическая вентрикулоцистерностомия, наружное вентрикулярное дренирование, синус и стернальное шунтирование, стентирование Сильвиева водопровода. Оптимизирована хирургическая реконструкция вертебро-медуллярной аномалии с сохранением функционального статуса больных, при которой применяются миниинвазивные методы лечения под контролем интраоперационной нейрофизиологии. Широкое использование методов нейровизуализации, такие как МСКТ, МРТ, ДТ-трактография на этапе дооперационного планирования, позволило верифицировать анатомо-морфологические взаимоотношения порока развития. На протяжении многих лет ГЦ у детей со СД, особенно у младенцев, считалась противопоказанием к проведению герниотомии в связи с частым возникновением серьезных послеоперационных осложнений. До внедрения имплантируемых в организм клапанных шунтирующих систем ГЦ была основной причиной смертности у больных со СД, из-за развития раневой ликвореи, псевдоцеле, менингита, менингоэнцефалита. Это обуславливает необходимость углубленного изучения СД сочетающегося с ГЦ для выработки адекватных подходов в диагностике, лечении, прогноза исходов.

В нашей стране ведутся исследования по разработке методов по ранней диагностике и лечения СД посредством скрининговых методов исследования, совершенствования перинатальной службы, нейрохирургической коррекции сложных спинальных мальформаций, обеспечения ликворшунтирующими системами. Сохранение двигательных функций, восстановление неврологических нарушений, в том числе тазовых расстройств, снижение осложнений у больных остаётся одной из актуальных

¹ WHO | Effects and safety of periconceptual oral folate supplementation for preventing birth defects. De-Regil L.M., Peña-Rosas J.P., Fernández-Gaxiola A.C., Rayco-Solon P. Cochrane Database of Systematic Reviews 2015, Issue 12. CD007950. https://www.who.int/elena/titles/review_summaries/folic-acid/en/

² McCarthy D.J., Sheinberg D.L., Luther E., McCrea H.J. Myelomeningocele-associated hydrocephalus: nationwide analysis and systematic review. Neurosurg Focus, 2019. – Vol. 1;47(4). - E5

проблем. Поставлены задачи, направленные на «Формирование здорового образа жизни населения, повышение качества медицинского обслуживания населению, в том числе детского возраста»³. В этом, имеет важное значение, комплексное обследование детей с врожденными аномалиями развития ЦНС, предотвращение их осложнений, снижение инвалидизации, совершенствование методов хирургического лечения и укрепление здоровья детского населения.

Настоящая научно-исследовательская работа соответствует исполнению задач, поставленных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением № ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», Постановлением № ПП-3440 от 25 декабря 2017 года «О Государственной программе раннего выявления врожденных и наследственных заболеваний у детей на период 2018-2022 годы», Постановлением № ПП-4513 от 8 ноября 2019 года «О повышении качества и дальнейшем расширении охвата медицинской помощью, оказываемой женщинам репродуктивного возраста, беременным и детям», а также в других нормативно-правовых актах, связанные с этой деятельностью.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. СД, особенно у детей до года, часто сочетаются с расстройствами ликворообращения, следствием которых является ГЦ, вызывая отягощенное течение заболевания. Традиционно проводимое иссечение спинномозговой грыжи (СМГ) без учета и анализа увеличения объема ликворосодержащих пространств в результате нарушения ликвородинамики в послеоперационном периоде до 60% случаев приводит к нарастанию ГЦ, возникновению ликворных свищей, ликвореи, расхождению черепных швов с присоединением осложнений воспалительного характера (Мартиросян М.М. и др., 2017; Elshani B., Lenjani B., 2013; Warf B.C., 2011). Лечение врожденных СД в сочетании с ГЦ представляет достаточно большие трудности, и обычно оно не ограничивается хирургической коррекцией, эффективной при некоторых изолированных пороках. Хирургическая тактика в таких случаях подразумевает решение не только вопроса пластики грыжевых ворот, но и вопроса устранения сопутствующей ГЦ (Плавский П.Н. и др, 2015; Шабля В.В. и др, 2015; Chern J.J. et al, 2012; Tamburrini G. et al, 2013). Внешние признаки и проявления ГЦ, не подкрепленные высокими

³ Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-4513 от 8 ноября 2019 года «О повышении качества и дальнейшем расширении охвата медицинской помощью, оказываемой женщинам репродуктивного возраста, беременным и детям».

диагностическими возможностями методов нейровизуализации в ряде случаев являются недостаточными для устранения нарушения ликвороциркуляции после традиционно имплантированных клапанных шунтирующих систем с развитием не прогнозируемых грозных осложнений, требующих повторных ревизий шунта и хирургических вмешательств (Хачатрян В.А. и др., 2013; Al-Hakim S. et al, 2018; Machado H.R., de Oliveira R.S., 2004).

В вопросах хирургической тактики лечения мнения авторов расходятся. Предложены различные подходы к решению этой проблемы, а именно: применение ликворшунтирующих операций (ЛШО), иссечение СМГ и пластика костного дефекта задней стенки позвоночного канала, поэтапное проведение ЛШО с последующим или первоначальным иссечением СМГ, сочетанное одномоментное использование указанных методов хирургического лечения при этом пороке развития ЦНС (Ахмедиев М.М. и др., 2010; Усманханов О.А., 2018; Чориев Ш.Б., Бердиев Р.Н., 2014). Несмотря на современное техническое оснащение и улучшение хирургической техники, отдаленные результаты лечения детей со СД и ГЦ остаются неудовлетворительными. Одним из проблемных вопросов является дальнейшая социальная адаптация детей с пороком развития ЦНС, их реабилитация (Маджидова Е.Н., Эргашева Н.Н., 2013; Шодиев А.Ш. и др., 2015).

Ограниченность диагностических методов и трудности комплексного лечения свидетельствуют о необходимости и целесообразности создания более эффективных, доступных диагностических и эффективных методов лечения больных детей со СД и ГЦ (Орлов Ю.А. и др., 2013; Kim I. et al, 2018; North T. et al, 2018). Неутешительны и разноречивы данные о результатах лечения ГЦ у данной категории больных, последовательности оперативного пособия, адекватного планирования лечения и предварительного прогнозирования исхода лечения (Иванов В.С. и др., 2007; Preis K. et al, 2005; Sahmat A. et al, 2017). Определение последовательности проведения оперативного пособия, разработка способа объективной оценки клинических признаков, совершенствование методик направленных на снижение осложнений и тем самым ранней реабилитации детей со СД и ГЦ, обуславливают актуальность этой проблемы до настоящего времени (Кузнецова Т.В., 2008; Талабаев М.В., 2015; McCarthy D.J. et al, 2019; Yorulmaz S.A., Konak M., 2019).

